БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 29 декабрь Шанба
№ 250 (13.686).
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ

ЯНГИ ЙИЛНИ РЎЗНОМАСИЗ КУТИБ ОЛАМИЗМИ?

НУҚТАИ НАЗАРИМИЗ

Шундай қилиб, нашриётнинг маълумотларига кўра, рўзномамиз келгуси йилнинг ёзидан ўз фаолиятини тўхтатиши мумкин. Бир тонна қоғоз нархини олти каррага, ундан ҳам кўпга ошириш ниятлари бор. Бир тонна қоғоз нархини фақат уч каррага (!) ошириш назарда тутилган эди. Алоқачилар ва матбаачилар яна бир бор ўз ниятларига илгарироқ эришдилар — уларнинг хизмати кескин қимматлашди. Фақат олтин тухум туғадиган товуқгина ҳеч вақосиз қолди. (Эҳтимол бу эндиликда давлатнинг сиёсатидир: ёқмаган матбуотни, дарвоқе, бир йўла ҳаммасини, иқтисодий услублар билан бўғиш). «Комсомольская правда» бир сонининг қалам ҳақи 550 сўм. Шов-шувли материаллар ва ахборотларга, карикатуралар ва фотосуратларга, очеркларга ва репортажларга шунчаки рамзий ҳақ тўланади. Тўғри, ҳозир қалам ҳақини оширишга ижозат этилган, бироқ... амалда бўлмайдиган даромадлар ҳисобидан.

Синиш арафасида турибмиз-у, қалам ҳақи тўғрисида қандай гап бўлиши мумкин? Рўзнома 113,642.900 сўм зарар келтириши хавфи бор.

Ҳозирнинг ўзидаёқ 1991 йилда мухбирлик пунктларини сақлашга хорижий мухбирларимизга пул ўтказилмаяпти.

Эндиликда рўзнома бутун жаҳон олдида камситиляпти— давлатимиз бу борада устаси фаранг. Ваҳоланки, «Комсомольская правда» қайта қуришнинг беш йили мобайнида КПСС Марказий Қўмитасига, қисман эса, БЛКЁИ Марказий Қўмитасига қарийб 300 миллион сўм соф даромад келтирди.

Бизга августда 1991 йилга рўзноманинг обуна нархини ва бир йилда чиқадиган сонлари миқдорини аниқлашни таклиф қилишди. Бизга: сиз эркинсиз, сиз мустақилсиз дейишди. Тўғри, қоғознинг янги нархлари ҳозирча тахминий, яъни фақат мутахассисларнинг тахминлари (аниқроқ айтсак — бу фол очиш). «Комсомольская правда» таҳрир ҳайъати обуна нархини йилига 13 сўм 80 тийин деб айтди. (Агар ҳажмидаги фарқни эътиборга оладиган бўлсак, «Правда»га обунага қараганда ҳам муштарийларимизга бу қимматга тушди). Биз ҳажмини сақлаб қолишга ҳаракат қилдик. Шундоқ ҳам рўзноманинг бир йилда 300 та сони чиқади. БЛКЁИ Марказий Қўмитаси Бюроси бу қарорни қўллаб-қувватлади. ССЖИ Алоқа вазирлиги «Правда»га, «Комсомолка»га, бошқа нашрларга обуна ўтказди.

Декабрга келганида эса шу нарса маълум бўлдики, августдаги қоғознинг нархига бўлган тахминлар тасдиқланмаган. Унинг нархи осмону фалакка кўтарилган! Декабрдаги баҳоларда ССЖИда рўзномалар нашр этиш мутлақо зарар кўришдан бошқа иш эмас... Агар қарз бериб турадиган васийлар бўлмаса. Бироқ, «Комсомольская правда»нинг, мустақил ўз йўлини ўтказувчи рўзноманинг бугун бундай васийлари йўқ...

Биз илтижо қилмаймиз. Биз миллионлаб муштарийларимиз номидан эслатиб қўямиз: «Комсомольская правда» 65 йил мобайнида фирқа ва комсомол кассаларига катта миқдорда маблағлар келтирди.

Ҳа, биз бозорга тайёрмиз. Лекин шерикларнинг мажбуриятларига риоя этиладиган ривожланган бозорга тайёрмиз. Минг афсус. Ноширларнинг маълумотларига кўра, рўзноманинг зарар кўриши эҳтимоли кутилмоқда. Биз ўз навбатида муштарийлардан миллионлаб сўм даромад ундирганлардан эндиликда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш жавобларини кутмоқдамиз.

Биз КПСС Марказий Қўмитасининг ёшлар сиёсати масалалари юзасидан яқиндаги Комиссияси қандай хулосага келганлигини эслатиб қўймоқчимиз: ғоялардан воз кечиш ва фақат тижорат билан қизиқиш — бу ҳам сиёсий ўз-ўзини ўлдириш билан тенг.

«Комсомольская правда» таҳрир ҳайъати.



«Комсомольская правда»ни нашр этишдан тушадиган даромадлардан қоғозга бўладиган сарф-харажатларнинг улуши:

1. 1990 йил. Мустақилликка эришгунча бўлган ҳолат.

2. Нашриётнинг 1991 йилга (ОБУНА БОШЛАНГУНГАЧА, июлда берилган) ҳисоб-китоблари.

3. ОБУНА ТУГАГАНИДАН КЕЙИН, декабрда ўша ҳисоб-китоблар вариантларидан бири: муштарийлар ўтказган пул ҳатто шунчаки материаллар босилмаган тоза саҳифаларни уларга етказиб беришга ҳам етмайди...

1990 ЙИЛ 19 ДЕКАБРДАГИ 14-4/16 (Э)-СОНЛИ ТЕЛЕФОНОГРАММАСИ

Ноширлар ва алоқа корхоналари ўртасида 1991 йилга тузилган шартномаларда даврий нашрлар, шу жумладан, рўзномалар муштарийларга якшанба кунлари етказиб берилмайди, шунингдек, дам олиш кунлари деб эълон қилинган умумдавлат байрамлари кунлари ҳам етказиб бериш амалга оширилмайди.

ССЖИ Алоқа вазирининг муовини МАНЯКИН.

Наҳотки бу «Комсомольская правда»нинг охирги сони бўлса?

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТЛАРИ ИТТИФОҚИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СЪЕЗДИНИНГ МАМЛАКАТ ХАЛҚЛАРИГА МУРОЖААТНОМАСИ

Азиз ватандошлар!

ССЖИ халқ депутатларининг тўртинчи съезди сизларга, мамлакат фуқароларига мурожаат қилади.

Биз, ССЖИ халқ депутатлари ўз масъулиятимиз меъёрини англаб, сиёсий ва иқтисодий вазиятни барқарорлаштиришга эришиш, яхшилик сари бурилишни амалга ошириш, мамлакат парчаланишининг олдини олиш учун шу съездда имкони бўлган ҳамма ишни қилдик. Съезд ҳар томонлама ва қатъий дастурни қабул этди, шўро кишиларининг талаблари ва умидлари, уларнинг ташвишлари ва фикр-ўйлари шу дастурда ифодалаб берилди.

Съезднинг мамлакатни мушкул аҳволдан қутултириш мақсадини кўзловчи қарорларини сизлар онгли равишда фаол қўллаб-қувватламасангиз, демократик ҳокимият билан халқ баҳамжиҳат ҳаракат қилмаса, бу қарорлар қуруқ сўз бўлиб қолаверади. Биз буни англаб турибмиз ва шу сабабли ҳаммангизни ижобий ҳаракат қилишга қатъият билан даъват этамиз.

Биз ҳақиқий аҳвол ва масъулият туйғуси билан иш тутаётган, ўз хонадонининг, ўз мамлакатининг фаровонлиги йўлида жипслашишга ва ишлашга тайёр бўлган ҳар бир кишини инсоний иноқликка ва ҳамкорликка даъват этамиз. Бир-биримизга қўл узатадиган пайт келди — айни бирлашишгина тарихнинг қалтис даврларида неча марталаб мамлакат халқларининг мушкулини осон қилган.

Қийинчиликлар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетмайди. Келгусида кўпгина синовлар турибди. Аммо биз вазиятни нормаллаштириш учун шароит вужудга келаётганини масъулият билан таъкидлаймиз.

Съезднинг ижроия ҳокимиятини кучайтиришга оид қарорлари давлат бошқарувининг шундай тузилишини вужудга келтирадики, у мамлакатнинг барча фуқаролари, барча ташкилотлар, муассасалар ва корхоналар қонунларни бекаму кўст ижро этишларини таъминлайди. Жиноятчиликка, порахўрликка, пинхона иқтисодиётга ҳужум қилиш учун шароит яратиш чора-тадбирлари кўрилди.

Биз демократиялашнинг қийин йўлини давом эттиришга чақирамиз, бундан бошқа йўл йўқ. Бироқ ҳаддан ошиш ва бедодлик одамларнинг хавфсизлигига ва ҳатто ҳаётига таҳлика солаётган экан, ўз фуқароларини ҳимоя қилиш давлатнинг энг муҳим вазифасидир. Ҳозир ҳар бир киши ҳозирги ва эртанги кунидан кўнгли тўқ бўлиши учун, мўл-кўлчилик вужудга келиши учун, фарзандларимиз соғлом ўсиши учун, одамлар ўзларига ва яқин кишиларига таҳлика туғилишидан чўчимайдиган бўлишлари учун онгли интизомга асосланган энг оддий тартибни таъминлаш масалалари биринчи ўринга чиқмоқда.

Биз пулнинг қадрсизланишини жиловлаш юзасидан, бозорни моллар билан мўл-кўл таъминлаш юзасидан, озиқ-овқат маҳсулотлари одилона тақсимланиши устидан қаттиқ назорат ўрнатилиши учун шошилинч чора-тадбирлар кўрилишини ёқлаб чиқдик. Ҳар бир ходимнинг шахсий манфаати асосида ишлаб чиқаришни рағбатлантирадиган бозор иқтисодиёти сари қадамлар қўйилди. Мамлакат минтақалари ўртасида вужудга келган хўжалик алоқаларининг барбод бўлиш жараёнини тўхтатиш, экология хавфсизлигини таъминлаш учун зарур ишларнинг ҳаммаси қилинмоқда, биз корхоналарнинг жамоаларини шартномалар ва ўзаро мол етказиб бериш юзасидан олган мажбуриятларини қатъий бажаришга чақирамиз. Ишлаб чиқариш тўхтаб қолишига йўл қўйиб бўлмайди! Бу нарса миллий фалокат хавфини туғдиради.

Биз кўп асрлар давомида шу ерда яшовчи халқларнинг куч-ғайратлари билан барпо этилган буюк давлатимизни сақлаб қолиш манфаатлари йўлида иттифоқ шартномаси тузилишини қўллаб-қувватлашга чақирамиз. Янгиланган ССЖ Иттифоқида ҳар бир жумҳурият бошқалар билан тенг равишда ўз мустақиллигини рўёбга чиқара олади ва ҳар бир киши ўз шахсини намоён эта олади. Ҳаётнинг ўзи огоҳлантирмоқда: мамлакатнинг парчаланиши турмуш даражаси пасайишига, кескинлик кучайишига, ташқи дунё билан муносабатлардаги оқибати даргумон чигалликларга, давлат ва барча халқларнинг хавфсизлиги путурдан кетишига олиб боради.

Биз миллатлараро можароларга дучор бўлган ҳамма халқларни ўз низоларини яхши қўшничилик руҳида ҳал этишга, бусиз ҳам ҳаддан ташқари кўпайиб кетган мусибат ва фожиаларни кўпайтирмасликка чақирамиз. Биз жумҳуриятларнинг ҳукуматларини инсон ҳуқуқларига риоя этиш, барча ижтимоий ва миллий гуруҳларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларида мамлакат раҳбарияти билан фаол баҳамжиҳат бўлишга чақирамиз.

Биз мамлакат халқ депутатлари Шўроларини ҳамкорликка чақирамиз. Чунки қўрғон ва қишлоқ Шўроларидан тортиб, то жумҳурият ва иттифоқ Шўроларига қадар — уларнинг ҳаммалари бир манбадан ваколат оладилар: уларга ҳуқуқларни ўша сайловчилар берадилар. Шунинг ўзиёқ можарони эмас, балки ҳамкорликни тақозо этади.

Биз барча сиёсий партияларга ва жамоат ҳаракатларига мурожаат қилиб, амалий ҳамкорликка чақирамиз. Бизнинг назаримизда, съезд турли кучларнинг мана шундай бунёдкорона, ҳалол мулоқоти намунасини кўрсатди, буни давом эттириш ва ривожлантириш керак.

Биз ўз сайловчиларимизга мурожаат этиб, мадад беришларини сўраймиз. Пухта ўйланмаган сиёсий қадамлардан, иш ташлашлардан ва вазиятни баттар беқарорлаштириши мумкин бўлган бошқа хатти-ҳаракатлардан тийилиш — сизларнинг ёрдамингиздир, бузғунчилик ва чайқовчилик йўлини тўсадиган самарали ишчи назоратини йўлга қўйиш — сизнинг ёрдамингиздир. Бошқа халқларга, ҳар қандай миллатга, динга, эътиқодга мансуб кишиларга хайрихоҳлик — сизларнинг ёрдамингиздир.

ССЖИ Президентига, жамиятдаги ҳақиқатда мавжуд бўлган хилма-хилликни ифодаловчи мамлакат депутатлари корпусига ишонч — сизнинг ёрдамингиздир. Биз — ҳар хилмиз, аммо биз бир масалада — ўз мамлакатимизнинг фаровонлиги йўлини излашда якдилмиз.

Сизлар Шўро давлатининг халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга, ССЖИдаги иқтисодий ва демократик ўзгартишларни давом эттириш учун қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилган ташқи сиёсатини фаол қўллаб-қувватлашингизга умид билдирамиз.

Азиз ватандошлар!

Биз сизларга янги, 1991 йил арафасида мурожаат қилаяпмиз. Бу йил ватанимизга орзиқиб кутилган осойишталик келтирсин, ҳар бир шўро оиласига омон-эсонлик ва бахт-саодат тилаймиз.

ССЖИ халқ депутатларининг тўртинчи съезди
Москва, Кремль.
1990 йил 27 декабрь.

Махсус сон № 12 (23)

КОМСОМОЛЬСКАЯ ПРАВДА

ОСНОВАНА В МАЕ 1925 г. ВСЕСОЮЗНАЯ ЕЖЕДНЕВНАЯ ГАЗЕТА Цена 3 коп.

№ 12 (23) спец выпуск

22-мактабда—НЭП

Находка шаҳридаги 22-мактаб кенгашининг қарорига кўра, яқин кунлар ичида ўқувчилар учун жарима системаси жорий этила бошланиши мумкин. Унда кўзда тутилишича, ўқувчилар сўкканликлари учун —10 сўм, санитар режимини бузганликлари учун —3 сўм, чекканликлари учун биринчи марта ушланганида — 5 сўм, иккинчи марта ушланганида —10 сўм жарима тўлайдилар. Ҳар бир ўқитувчи айб қилган ўқувчини ушлаш ҳуқуқига эга. Бироқ қоидани бузганлик тўғрисидаги акт ўқувчи ўз айбини тан олган тақдирдагина тузилади.

Бундай ташаббус билан ўқувчиларнинг ўзи чиққанликлари учун жарималардан тушган пулларни улар ўз хоҳишларига қараб сарфлайдилар, деб мўлжал қилинаётир.

«Сибинформ».

ДИАЛОГ

Саволлар беринг!

Тадқиқот ўтказиш мақсадида бешинчи синф ўқувчиларидан бирининг муҳарририятимизга кириб ўтишини сўрадик.

Сумка, дафтарлар ва канцелярия қурол-яроғлари билан 1 килограмм 800 граммни ташкил қилди. Шу куни ўқувчининг сумкасида тўртта дарслик бор эди, улар бир кило-ю, етти юз эллик грамм тош босган. Иссиқ спорт формаси ва кеди ҳам шунча келган.

Демак, ҳаммаси бўлиб 5 килограмму 300 грамм, — деб ҳисоблади бизнинг шўх ўқувчимиз. Ва: — бугун сумкам оғир эмас, агарда олтита дарслик бўлганда ва бирорта қўшимча адабиётни олиб келиш керак бўлганда...

Кўриниб турибдики, мактабнинг ҳам ўзига хос, баъзан кутилмаган муаммолари учраб туради.

Йўлбарслар оч қолмаяптими?

Ҳозирги қийинчилик пайтда ҳайвонот боғларидаги ҳайвонлар нима еяётишмоқда!

Л. ВОРОНОВА.
Москва.

«Диалог» мухбири Москва ҳайвонот боғига ташриф буюрган ва худди шу саволни матбуот-котибаси Н. Истратовага берган.

Маълум бўлишича, пойтахтда «нон камчил» пайтида ҳайвонларга шаҳар омборларидан маҳсулотлар етказиб беришда узилиш баъзан бўлиб турган.

Кўплаб жониворлар, айниқса, тропик ўлкалардан келтирилганлари банан ва апельсинларсиз ўзларини тасаввур қилишолмайди... Ҳайвонот боғига мунтазам равишда сули, пичан ва майда балиқлар жуда зарурдир.

Ҳозирча ҳайвонот боғи маъмурияти мураккаб вазиятни бир амаллаб бартараф этиб келмоқда, эртага эса нима бўлиши номаълум?

Дарвоқе:

Рўзномамизда илгари хабар қилинганидек, битта йўлбарс ҳар куни олти килограмм гўшт (от гўшти) ейди.

Йўлбарс ўргатувчилар ташвишга тушмоқдалар, чунки ярим оч қолган ҳайвондан қўрқинчлироқ нарса йўқ дунёда.

5-«Б» даги юкчиларми?

Ҳозир болаларга жуда оғир бўлиб кетди, деб кўп гапиришадиган бўлиб қолди. Агар бу сўзни тўғри қабул қилсак-чи! Мисол учун, мактаб

Ўқувчиси сумкасининг оғирлиги қанча!

В. ГЛАДКОВА.
Челябинск.

«Интерқиз» ҳаммани ортда қолдирдими?

Кейинги пайтларда кинотеатрларга энг кўп фойда келтирган фильм қайси! Қандайдир жангари фильмлар бўлса керак!

И. РОЖКОВА.
Псков.

Афсуски, у ёки бу фильмнинг қанча фойда келтиргани ҳақидаги расмий ҳисоб олиб борилмайди. Уни 1991 йил бошидан бошлаб амалга ошириш режалаштирилмоқда. Иттифоқ кино фонди томошабинлар қанчалиги ҳақидаги ҳисобни олиб боради. Унинг маълумотига кўра, 1989 йилда томошабинлар энг кўп тушган фильм — «Интерқиз» («Мосфильм» киностудияси) бўлиб, унинг биринчи қисмини 34,4 миллион, иккинчисини эса 33,8 миллион томошабин кўрган. Бу 1989 йилнинг уч ойи ичида!

Иккинчи ўринда «Қозоқфильм»нинг «Игна» деган лентаси туради. Уни ўн бир ой мобайнида 14,6 миллион киши кўрган.

Учинчи ўрин «Мудҳиш хато» фильмига (М. Горький номли киностудия) тааллуқлидир. У прокатда 7 ой бўлган ва 11,7 миллион томошабинни ўзига жалб қилган.

Рўйхатдан кейинги ўринларни «Рок» усулидаги фожиа» («Мосфильм») ва «Иф қалъаси асири» (Одесса киностудияси) фильмлари олган.

Чет эл фильмларига келсак, улар бизнинг экранларимизда катта муваффақият билан намойиш қилинмоқда. «Тимсоҳ Данди-II» (Австралия) энг оммавий бўлиб, у 8 ой мобайнида 43,5 миллион томошабинни ўзига жалб қилган. «Тошли роман» (АҚШ) фильмини 10 ой ичида 30 миллион киши кўрган. Энг оммабоп чет эл фильмлари қаторига «Менинг душманим» (АҚШ) ва «Бонлар ва осойишталик» (Чехословакия) фильмлари киради.

1990 йил якунланяпти, ҳадемай янги натижаларни қайд қилиш бошланади.





Ўғирлик нони тиш синдиради

Бу — Киев. 1990 йил. Қайта қуришнинг олтинчи йили.

Суратларда — Киев шаҳар ички ишлар бошқармасида тузилган уюшган жиноятчиликка қарши бўлим ходимлари ва ОМОН ташкилотидан чақирилган ёрдамчилар ўтказган энг хавфли рейдлардан лавҳалар. Балки ҳозир биз келтираётган далилларга бировлар ишонмас, (Чунки бугунги кунда уюшган жиноятчиликка қарши курашиш ички ишлар органлари учун ниҳоятда қалтис ва мушкул муаммо бўлиб турибди). Биргина ўтаётган йилнинг ўзида 70 га яқин йирик жиноятчилар гуруҳи ушланди. Улар жиноятнинг барча турлари билан мунтазам шуғулланган. Янада даҳшатли рақамларга қаранг: ҳар ойда Киевнинг ўзида ўнга яқин қотиллик, 100 дан зиёд

(Давоми 2-бетда).





ЎҒИРЛИК НОНИ ТИШ СИНДИРАДИ

(Боши 1-бетда).

босқинчилик ва талончилик рўй беради. Бу жиноятларнинг учдан бири очилмай қолаётир.

...Суратларнинг бирида — ёлланган қотилнинг қўлга олиниши. Махсус гуруҳ аъзолари ўз қизига ўлим хавф солаётганини аранг хабар қилишга улгурган аёлнинг сўзларини эшитиб, «белгиланган» жойга тезда етиб келишди. Жиноятчи ўз «қурбони» билан автобус бекатида учрашиши керак. Уни ҳеч ким танимасди. Кўча тўла тумонат одам. Қайси бири экан-а? Қурол ишлатиш керак дейсизми, э, худо кўрсатмасин... Бирин-кетин автобуслар келиб кетмоқда. Кутиш керак. Йўқ, бу эътиборни тез тортади. Аммо ниҳоят унгидан келди. Ҳодиса куттириб қўймади. Эндигина бекатга келиб тўхтаган «Жигули» билан изма-из етиб келган қўлга олувчилар гуруҳи машинадагиларга ташланишди.

Ҳавога отилган ўқлар овози «Жигули» ҳайдовчисини тўхтатишга мажбур қилди. У ёғини... суратда кўриб турибсиз.



Шов-шув

Оҳанрабо одам

Бу тажриба Сталиннинг собиқ дала ҳовлисида, Сочи шаҳрида маҳаллий репортёрлар «Время» программаси журналистлари, Эн-ти-ви япон телекомпанияси, олимлар гуруҳи ва ниҳоят каминанинг кўз олдида ўтказилди.

Юрий Ткаченко олимлар, журналистларга тарозидаги темир плиталарни кўрсатади. Биттаси 30 кило, иккинчиси 20. Уларни синчиклаб текширишади. Японлар махсус мослама билан Ткаченкони кўздан кечиришади. Ҳеч қандай оҳанрабо йўқ.

Шундан сўнг Ткаченко 30 килоли плитани кўксига қўяди. У худди оҳанрабодек ёпишиб қолади. Ассистент иккинчи 20 килолик тошни беради. Ткаченко бунисини ҳам биринчи плита устига ёпиштириб қўяди. 50 килограммлик темир 12 дақиқа қимир этмай туради.

Тажрибадан сўнг Ткаченко темирлар билан бассейн томон юради. Сув унга плитага берган қувватини қайтарармиш.

Тажрибада иштирок этаётган олимлар — профессор, ССЖИ Фанлар академиясининг илмий кенгаши аъзоси Георгий Гура, тиббиёт фанлари номзоди Николай Каличенко, ССЖИ ФА илмий-тадқиқот марказидан физика-математика фанлари номзоди Александр Трунев, фалсафа фанлари номзоди Николай Лазарев ва бошқалар бундай ҳодисани илмий томондан аниқ изоҳлаш қийин, деб айтишмоқда. У фанда ҳукм суриб келаётган ишқаланиш ва гравитация назариясига зиддир.

Бироқ, Ткаченко Юрий Павловичнинг ҳунарлари фақат бу билан чекланиб қолмайди. У «Кавказ» халқаро халқ табобати маркази» ассоциациясининг директоридир. Унинг қўл остида кўплаб халқ табиблари бирлашишган.

Мен бу марказда анча оғир беморлар ҳам шифо топишгани тўғрисида эшитганман. Бироқ, албатта, бу гаплар қанчалик тўғрилигини текшириш зарур. Шу кунларда ассоциация фаоллари билан яқинроқдан танишиб, натижаларини муштарийларга билдираман.

Н. ВАРСЕГОВ.

«КП» маълумотномаси

УЛАР ИНСОНИЯТГА ФОЙДА КЕЛТИРДИЛАР

Альфред Нобель (1833—1896) — XIX аср охири йирик капиталисти, 93 та завод эгаси, динамит ва бошқа портловчи моддалар ихтирочиси, ихтиролари учун 350 та патент соҳиби, фалсафа фанлари доктори, академик.

Жамғармасининг катта қисми Россиядаги «Ака-ука Нобель нефть ишлаб чиқариш ҳамжамияти»да ва қуролланиш пойгаси билан алоқадор корхоналарда жамланган, рус тилини иккинчи она тили сифатида эгаллаган эди.

102-рақамли кимёвий элемент — нобелий ва Ойнинг орқа томонидаги кратер унинг номи билан аталади.

АЛЬФРЕД НОБЕЛНИНГ ВАСИЯТИ

Мен ушбуга имзо чекувчи Альфред Бернхард Нобель ободон ўйлаб ва бир қарорга келиб, ўлим онларига қадар жамғарганим мол-мулкни юзасидан ўз васиятимни эълон қиламан.

Мендан кейин қоладиган жамики пулга чақиш мумкин бўлган мол-мулкимни қуйидагича тарзда тақсимлаш зарур: менинг бойликларимни васийларим қимматбаҳо қоғозларга алмаштириб, жамғарма ташкил этиб, ундан келадиган фоизларни муқобил йилда инсоният учун энг кўп фойда келтирган кишиларга мукофот сифатида бериб боришлари лозим. Қайд этилган фоизлар бешта тенг бўлакка бўлиниб, улар тегишли шахсларга: биринчи бўлаги — физика соҳасида ўта муҳим кашфиёт қилган ёки ихтиро этган кишига, иккинчи бўлаги — кимё соҳасида йирик кашфиёт яратган ёки такомиллаштирган кишига, учинчи бўлаги — физиология ёки тиббиёт соҳасида улкан муваффақиятга эришган кишига, тўртинчи бўлаги — инсоний идеалларни акс эттирувчи ўта аҳамиятга молик адабий асар яратган кишига, бешинчи бўлаги — халқларни жипслаштиришда, қулликни йўқ қилишда, мавжуд армиялар сонини қисқартиришда ва тинчлик шартномаларини тузишда салмоқли ҳисса қўшган кишига топширилади. Физика ва кимё соҳалари бўйича мукофотлар Швеция қироллиги Фанлар академияси томонидан, физиология ва тиббиёт соҳалари бўйича мукофотлар Қироллигининг Стокгольмдаги Қирол илмгоҳи томонидан, адабиёт соҳаси бўйича мукофотлар Стокгольмдаги Швеция академияси томонидан, тинчлик мукофоти Норвегия стортинги сайлаган беш кишидан иборат қўмита томонидан тақдим этилади. Менинг алоҳида истагим шуки, мукофотларни энг муносиб кишилар олишлари учун номзодлар — улар скандинавияликларми ёки йўқми, миллатидан қатъи назар, бу ҳол мукофотга тақдим этишда таъсир қилмасин.

Ушбу васият сўнгги ва охиргиси ҳисобланади, у қонуний кучга эга бўлиб, менинг аввалги барча васиятларимни бекор қилади...

Париж, 1895 йил 27 ноябрь.

Тинчликка қўшган ҳиссаси учун Нобель мукофотига сазовор бўлганлар орасида қуйидагилар бор:

Т. Рузвельт (1906 йил), АҚШнинг 26-президенти, Лотин Америкасидаги «Зўравонлик» сиёсати муаллифи.

К. Осецкий (1935 йил), немис антифашист-публицисти, 1938 йили концлагерда ҳалок бўлган.

А. Швейцер (1925 йил), немис-француз мутафаккири, протестант теологи (дин бўйича мутахассис) ва миссионери, табиб, мусиқашунос, орган чолғучиси, дунёқарашининг бошланғич принципи — инсоният ахлоқий янгиланишининг негизи сифатида «ҳаёт олдида сажда қилиш», БМТ ҳузуридаги эмигрантлар олий комиссари (1954, 1981 йиллар).

М. Л. Кинг (1964 йил), АҚШдаги негрларнинг фуқаролик ҳуқуқи учун курашчи, баптизм мазҳабидаги руҳоний, 1968 йили ирқчилар томонидан ўлдирилган.

БМТ болалар жамғармаси (1965 йил) — Урушдан хонавайрон бўлган Оврўпо мамлакатлари болаларига фавқулодда ёрдам ташкилоти сифатида 1946 йилда ташкил топган, кейинчалик ривожланаётган мамлакатлар, деб аталувчи мамлакатлар болаларига ёрдам кўрсатиш ишига жалб этилган.

Н. Э. Борлоуг (1970 йил) — америкалик уруғчи-олим, маккажўхори ва буғдой навларини яхшилаш бўйича халқаро марказ раҳбари.

В. Брандт (1971 йил) — 1964—1987 йилларда Олмония ижтимоий-демократик фирқаси раиси.

Г. А. Киссинжер (1973 йил) — 1973—1977 йилларда АҚШ Давлат котиби, 1969—1975 йилларда эса миллий хавфсизлик масалалари бўйича президент маслаҳатчиси.

А. Д. Сахаров (1975 йил) — нейтрон бомбасини яратганлардан бири, инсонпарварлик фаолияти билан танилган жамоат арбоби.

А. М. Садат (1978 йил), 1970—1981 йилларда Миср президенти, 1979 йили АҚШ воситачилигида Исроил билан бир томонлама сулҳ тузиш ташаббускори, 1976 йили дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шўро—Миср шартномасини бекор қилган, 1981 йили ўлдирилган.

М. Бегин (1978 йил), 1977—1983 йилларда Исроил бош вазири, Миср билан бир томонлама сулҳга имзо чеккан, 1983 йилдан сионистлар фирқасининг ўта ўнгчи блоки етакчиси.

Л. Валенса (1983 йил) — 1989 йилда нашр этилган «Шўро энциклопедик луғати»да Польша Жумҳурияти Президенти деган сўзлар учрамайди.

НОБЕЛЬ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИНИНГ ЎРТАЧА ЁШИ:

физиклар — 49,6;
кимёчилар — 53,9;
физиолог ва шифокорлар — 54,7;
адабиётчилар — 63,2;
тинчлик учун курашчилар — 62,0;
иқтисодчилар — 66,8.

НОБЕЛЬ ТИНЧЛИК МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ БЎЛГАНЛАР:

АҚШ — 20 киши;
Швеция — 12 киши;
Франция — 9 киши;
Буюк Британия — 9 киши,
ОФЖ — 4 киши;
Бельгия — 4 киши;
ССЖИ — 2 киши.

1990 ЙИЛ ЛАУРЕАТЛАРИ

Жозеф Муррей (АҚШ, Бостон шаҳри) **ва Томас Доннальд** (АҚШ, Сиэтл шаҳри) **— улар даволашнинг янги усулларини кашф қилганлари учун мукофотга тақдим этилганлар.**

Гарри Маркович, Мертон Миллер, Вильям Шарп (ҳаммаси АҚШ) **— улар иқтисод фанига қўшган улкан ҳиссалари учун мазкур шарафга лойиқ топилдилар.**

Жероум Фридман, Генри Кендалл, Ричард Тэйлор — бу америкалик олимлар физика соҳасидаги тадқиқотлари учун мукофот олдилар.

Элиас Жеймс Кори (АҚШ) — кимё соҳасидаги ихтироси учун мукофотга тақдим этилди.

Мукофотлар Стокгольмда топширилди.

71—тартиб рақамли Нобель тинчлик мукофоти ССЖИ Президенти М. С. Горбачёвга берилди.

Иқтисод ва ҳаёт

ЎЙНАБ БЎЛИШДИ...

Свердловск шаҳар кенгаши шаҳарликларга янги йил «совғаси» тайёрлади — 1991 йил 1 январдан бошлаб шаҳарда озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур товарларга карточка системаси жорий этилади.

Карточкага унинг эгаси номи ёзилиб, тартиб рақами қўйилади. Бундан ташқари, шаҳар кенгашининг савдо бўйича комиссияси раиси Г. Цехернинг айтишича, ушбу карточка системасига қимор ўйини белгиларини киритиш ҳам мўлжалланмоқда. Кимнинг тартиб рақамига ютуқ чиқса, ўша одамнинг «пичоғи мой устида» бўлади...

Э. ЧЕРНОВ.

...ВА УЧ ТЎҒРАМ НОН

Волгограддаги мухбирлар пунктидан бир неча қадам нарида «Молочное» кафеси бор. У ерда «камбағаллар учун» қуйидагича меню тузилди: сўк бўтқа, қовурма жўжа (100 грамм), полтавача каша, ширин чой, тешик кулча, уч тўғрам нон... Тўғри, кўчадан кириб келган одамни — у чўнтагида бир тийини йўқлигини ва қорни очлигини айтса ҳам — қуруқ раҳмат учун овқатлантиришмайди. Текин меҳр-шафқат тушлигидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқини олишдан илгари ўзингнинг камбағаллигингни ноҳия таъминот бўлимида тасдиқлашинг лозим. Агар сен 50 сўмдан кам миқдорда нафақа олаётган пенсионер бўлмасанг, бу тушликка умид боғлашинг қийин.

[Ўз мухбиримиз].

Афғон «ўйинчоқлари»

Ўтган йили баҳорида «Комсомольская правда» афғон уруши «ўйинчоқлари»дан сарҳаддош Термизда болалар қандай ҳалок бўлаётганлиги ҳақида ҳикоя қилган эди (рўзноманинг 29. VI. 89 йил сонига қаранг). Мана яна бир янги фожиа. Бу гал бошқа ўзбек шаҳри — Қаршида содир бўлди.

Пахтазор микроноҳиясида портлаш содир бўлганида туш пайти эди. Бу портлаш олти ёшли боланинг умрига завол бўлди. Унинг яқинида ўйнаб юрган 10 ёшли қизалоқ ва беш ёшли бола мажруҳ бўлиб қолган. Мутахассисларнинг аниқлашларига қараганда, болаларнинг қўлига авиабомбанинг портлатгичи тушиб қолган.

Олдиндан шуни айтиб ўтмоқчимизки, Қашқадарё вилояти ҳудудига жойлашган ҳарбий бўлинмаларда бундай ўқ-дорилар йўқ. Тахминлардан бирига қараганда, портлатгич болаларнинг қўлига шўро қўшинлари ўтган йилнинг февралида Афғонистондан чиқиб кетаётган пайтда тушиб қолган. Қурол-яроғ ва ўқ-дори ортилган составлар Қарши станциясида тўхтаган эди. Соқчи арзимас нимадир етишмовчилигини ҳисоблаб чиқди. Ўғирлаб кетилган нарсаларнинг бир қисми фуқаро аҳолиси қўлида қолди. Ўқ-дорилар ва портлатгичларни ёнида олиб юрганлиги, сотиб олганлиги; сақлаганлиги учун фақат ўтган йилнинг ўзида вилоятда 22 та жиноий иш қўзғатилиб, 204 киши маъмурий тартибда жазоланган эди. Вилоят ижроия қўмитаси ички ишлар бошқарувининг маълумотига кўра, шу йилнинг ўзида аҳолидан қарийб 1000 дона ўт очиш қуроли мусодара қилинган.

...Ҳозир бор-йўғи бир сўмга болалардан ёнаётганида икки минг даражагача иссиқлик ҳосил қиладиган оқ фосфор ва магний тўлдирилган ўзига хос снаряд сотиб олиш мумкин. Қарши шаҳридаги мактаблардан бирида «мушакбозлик» ўйнаш 5 ўқувчи учун оғир фожиа билан тугади: бешаласи ҳам оғир куйиш туфайли касалхонага олиб келинди.

М. АЛИМОВ.
(Ўз мухбиримиз).

Н. ИСКАНДАРОВА.
(«Правда Востока» рўзномасининг мухбири).

Ўзбекистон ССЖ, Қарши шаҳри.



Амур вилояти осмонида 1981 йил «АН-24» тайёраси ҳарбий тайёра билан тўқнашиб кетганди. Лекин бу ҳалокат тўғрисида фақат бугунги кунга келиб ошкора гапирилмоқда. Беш минг метр баландликда бўлган бу тўқнашувда йўловчи қиз Лариса Савицкаядан бошқа ҳамма ҳалок бўлган. Ларисанинг номи эса «Гиннеснинг рекордлар китоби»дан жой олди.

СУРАТДА: Лариса Савицкая ўғли Георгий билан.

В. САЯПИН сурати. (ТАСС).

Саволлар беринг

Қуриш—бузиш эмас

Москвада ноябрь ойининг бошларида Қозон ибодатхонасини тиклаш ва қуриш бошланган эди. Уни тиклашга қанча маблағ режалаштирилмоқда ва ташаббускор гуруҳнинг бугунги кунда қанча пули бор!

Е. БАРАНОВСКАЯ.

Қозон жомеси жамоаси билан боғланиб, қуйидагиларни аниқлашга муваффақ бўлдик. Жоменинг ўзини пардозлаш ва тиклаш учун архитекторларнинг дастлабки ҳисоб-китобларига кўра, энг ками икки миллион сўм керак.

Ҳозир эса тикланаётган жоменинг ҳисобида 271 минг 600 сўм пул бор.

«XXI аср» нархни белгиламоқда

Голландиянинг «Друм» тамаки фабрикаси москвалик кашандаларга ҳозирги қийин пайтда ёрдам қилишга қарор қилди ва пойтахтга 250 минг қути олий навли тамаки келтирди.

Шундан сўнг, «Альгемеен дахблад» рўзномасининг жамоатчи мухбири Марко Зонневельдтнинг гапларига қараганда қуйидаги воқеа содир бўлган. Фирма вакиллари Москва Шўролар Кенгашига келиб, ўз тамакиларини москваликларга бепул тарқатмоқчи эканликларини айтишган.

— Текин эмас, пулга, — деб жавоб қайтаришган. Москва Шўролар Кенгашида.

— Ундай бўлса, ҳар қутисини бир ярим сўмдан сотамиз ва тушган барча мулкни болалар уйига берамиз.

— Бир ярим сўмдан эмас, балки беш сўмдан, дейишган бу ерда, — ва бу пулларни «XXI аср» ассоциациясига ўтказамиз.

— Беш сўмдан эмас, тўққиз сўмдан, — деб қатъий гапиришган «XXI аср» ассоциациясидагилар...

Бу аҳволда пуллар болаларга етиб борармикин, деб голландияликларнинг бошлари қотиб ётибди.

Элаб турилса бўлди

Ҳозир ҳар бир уй озиқ-овқат омборига айланган. Яқинда ғамлаб қўйган нарсаларни тартибга солаётиб идишдаги унда қандайдир қўнғизчалар юрганини кўриб қолдим. Ҳаммасини ташлаб юборишга тўғри келди. Қолганларини қандай қилиб сақлаш мумкин!

Ю. СЕМИНИХИНА.

Унга қурт тушмаслиги учун ун турган идишга тозаланмаган саримсоқнинг бир неча бўлагини ташлаб қўйиш керак, деб маслаҳат беришган муштарийларимиз.

Унни вақти-вақти билан элакдан ўтказиб туриш керак. Унинг ичига бир неча сирланмаган темир қопқоқ солиб қўйилса, ортиқчалик қилмайди.

Крупа ёки крахмални оғзи ёпиқ банкада (елим эмас) қопқоғини ёпиб сақлаш керак. Унинг ичига докадан тикилган халтачаларда туз солиб қўйилса яхши бўлади.

Кир ювиш кукунларини ваннахонада ёки яшаш жойда сақлай кўрманг. Аллергия бўлишингиз мумкин. Барча кимёвий воситалар пластик қопчада сақлангани маъқул.

Рўйхатда кўрсатилмаганми?

Москвада ҳозирги пайтда қанча фирқа рўйхатдан ўтган. КПСС рўйхатдан ўтказилганми!

М. ВАЙДУЛИН.
Уфа.

Шу савол билан биз Москва шаҳар Шўроси Кенгашига мурожаат қилдик.

— Бугунги кунда Москвада, деб жавоб беришди бизга, — 10 фирқа ва 120 га яқин турли жамоат ташкилотлари рўйхатдан ўтишган.

КПСС Москва шаҳар Шўроси Кенгаши «рўйхатидан» ўтишни ўзига зарур эмас, деб ҳисоблаган. Ҳаммага яхши танилган Демократик союз ҳам рўйхатга кирмаган.

Мазали овқатланай, соғлом бўлай десангиз...

Мухбиримиз ССЖИ тиббиёт Фанлар академияси овқатланиш илмгоҳи бўлим мудири Г. И. Бондарев билан суҳбатлашди.

— Геннадий Иванович, одам бир суткада энг камида қанча ва қандай маҳсулотларни истеъмол қилиши керак?

— Тиббиётда энг кам миқдорда овқатланиш, деган тушунча йўқ. Инсон ўзига зарур бўлган барча моддаларни тўла ҳажмда олиши лозим. Шунинг учун биз ростмана овқатланиш тўғрисидагина гапиришимиз мумкин. У ҳар бир киши учун турличадир: бу ёшга, юмуш характерига, жинсга боғлиқ. Дейлик, асосан ақлий меҳнат билан шуғулланувчи 30—39 яшар эркаклар — бундайлар кўпчиликни ташкил этади — бир кунда 2700 килокалория, шу жумладан, 88 грамм оқсил (унинг 48 грамми ҳайвонот оқсили — гўшт, балиқ, сутли маҳсулот оқсили бўлиши шарт), 99 грамм мой, 365 грамми углевод, буларга қўшимча равишда турли витаминлар истеъмол қилишлари зарур.

— Агар одам керакли калорияни тўплай олмаса нима бўлади?

— Организмнинг нормал фаолияти бузилади. Одамнинг иш қобилияти сусаяди. Касалланишга қарши ҳимояланиш имконияти пасаяди — бу демакки, у турли шамоллаш, грипп ва ҳоказоларга тез-тез йўлиқади. Аммо эсда тутинг, шунчаки, етарли миқдорда қувват олишнинг ўзи камлик қилади. Бу етишмовчилик эса, саломатликка тўғридан-тўғри таъсир қилади: овқатланиш таркибининг углеводли-ёғли бўлиши оқибатида 50 фоиз катта ёшдаги аҳоли ортиқча оғирликдан жабр тортади, бу ўз навбатида гипертония ва бошқа хасталикларни келтириб чиқаради.

— Дўконларда танлаш учун нарсалар мўл-кўл бўлсагина, тўғри овқатланиш таркиби ҳақида гапирса ярашади. Ҳозирги вазиятда нима қилиш керак?

— Расмий, шу жумладан Моссоветдан олинган маълумотларга қараганда, одамлар ўзларини нормал озиқ-овқат билан таъминлашлари учун бизга сотишга етарли турдаги маҳсулотлар келтирилаётир. Лекин бу маълумотлар мавҳумдир, улар аҳолининг таъминланганлиги турли даражадалигини ва (бу нарса ҳам ғоят муҳим) жисмоний имкониятларини эътиборга олмайди — ахир ҳамма ҳам соатлаб навбатда туролмайди. Овқатланишнинг ёмонлашуви энг аввало кекса ва камдаромадли кишиларга хавф солади.

— Шундай бўлса-да, биз уларга бирор нима тавсия қила оламизми?

— Ўзаро алмашинувчи маҳсулотлар ҳам мавжуд. Масалан, ҳайвонот оқсилларини гўштдан ҳам, балиқ ёки сутли маҳсулотлардан ҳам олиш мумкин. Аммо балиқ, албатта, арзон ва уни топиш ҳам осон.

— Агар унисини ҳам, бунисини ҳам топишнинг иложи бўлмаса-чи?

— Энди бунисига тиббиёт ожиз.


— Демак, тўйиб овқатланмаслик хавфи ҳақиқатан ҳам мавжуд экан-да?

— Мисол учун, келинг, сизни олайлик. Сиз ақлий меҳнат билан шуғулланасиз ва сиз учун бир суткада 2300 кило-калория етарлидир. Агар сиз ҳар куни иккита батон ва бир литр сут олишнинг уддасидан чиқсангиз, тўйиб овқатланмасликдан қўрқмасангиз ҳам бўлаверади. Ўзингизга зарур овқатланиш таркибий қисмини оласиз.

ЙЎЛ-ЙЎЛАКАЙ

Икки қулоғимизга яхшилаб қуйиб олайлик: мабодо очарчилик бўлса, бу бадавлат мамлакатда рўй бергач очарчилик бўлади. Бу йил на ортиқча ёғингарчилик, на қурғоқчилик юз берди. Агарки Ленинград шаҳрида ёки Синие Липяги қишлоғидаги дўконларда нимадир бўлмаса, бу ўша нарсалар бутун мамлакатда йўқ дегани эмас. Фақат уни темирйўлнинг эҳтиёт-шарт изларидан, озиқ-овқат дўконлари омборларидан қидириш керак. Шарт шуки, қидирганда ҳам қонунга қатъий бўйсунган ҳолда, милиция ва ишчи назорати билан ҳамкорликда қидириш даркор. Дўкон ойналарини ва ҳатто айбдор бўлган тақдирларида ҳам сотувчиларни муштлаш керак эмас.

Ҳаммадан ҳам ҳатто норозилик билдиришга на кучи, на воситаси бўлмаганлар: кексалар ва кичкинтойларга оғир бўлади. Шунинг учун, келинглар, ушбу қиш қийинчиликларини нафақат ўз киссамиз устида турган ғам алам деб, балки бизнинг умумий муаммомиз, деб қабул қилайлик.





...Дўкон ёнида автомобиль қисмларини сотаётган рэкэтчилар гуруҳи қўлга олинди. Уларни гувоҳлар олдида тинтув қилиш учун ерга юзтубан ётқизишди. Буни қарангки, балоғат ёшига етмаганлиги сабабли қўлга олинганларнинг кўпчилиги суд қилинмайди. Улар мамлакатимиз бозорларида ўз «малака»ларини яна бемалол ошираверадилар...

Е. ЛУГАЦКИЙ суратлари.

Эчкига жон, қассобга мой қайғуси

Ёҳуд бизнинг ҳаётимиз инглизлар учун ўйин бўлгани тўғрисида. Қироллик Шекспир театри актёри, «Москва олтини» пьесасида бош роль — Президент Горбачёв ролини ўйнаган Дэвид Колдер билан Лондондаги ўз мухбиримиз Александр Куприянов суҳбатлашди:

— Дэвид, ёзувчи Тарик Али ва публицист Ҳауард Брентон томонидан ёзилган пьесада жуда катта давр — 1917 йилдан ҳозирги кунгача қамраб олинган, кўплаб шахслар: Лениндан то Ельцин, Лигачев, Чаушескугача бор. Саҳнада вақтлар, шахслар, психологизм ва қандайдир жўн тасвир, русларга хос маза-бемаза томоша билан инглиз шоусининг аралаш-қуралаш бўлиб кетиши — бу нима? Сиёсий майнавозчиликми, фожиа (драма)ми ёки муболаға билан бўрттириб тасвирланган кулги (комедия — гротеск)ми?

— Муаллифлар уни ошкоралик пьесаси, яна «социалистик фожиа» деб аташади, наинки, сизларнинг мамлакатингизда юз бераётган воқеалар уларнинг фикрича, ўта фожиавийдир... Менга қолса, у тарихий пьеса. Пьеса Англия томошабинлари учун, биринчи навбатда тарихни яхши билмайдиган, сиёсатни яхши тушунмайдиганлар учун ёзилган. Мана сизга бир мисол. Бир талаба мендан, «Бу Ленин деганлари ўзи ким?» деб сўради.

— Сиз ҳақингизда сиёсатни унча тушунмайди, деб айтиш мумкин.

— Мен 44 ёшдаман, менинг ёшлигим, ва дўстларимнинг ёшлиги сиёсатлашиш байроғи остида ўтди. Биз троцкийчилар эдик. Ҳозир мен, эҳтимолки, айтиш жоиз бўлса, социалистман. Совет Иттифоқида юз бераётган воқеаларни катта тўлқинланиш билан кузатиб бораётирман. Биз қачонлардир Оврупода социализм барпо этилишига ишонардик. Бу ҳол юз бермади.

«Тетчеризм» даврида вояга етган авлод эса, сиёсатдан жуда узоқ. Менга улар фақат ўзларини ўйлайдигандек туюлади.

— Муаллифлар ва режиссёр ўз олдиларига сиёсий башорат қилиш вазифасини қўймаганмикинлар? Сиз персонажларнинг келажагига назар ташлашни истармидингиз?

— Агар ёдингизда бўлса, пьесада иккита якун мавжуд. Бири — фожиавий, жуда ачинарли, иккинчиси — кўтаринки руҳда: Президент Горбачёв Раиса Максимовна билан рус қайинлари соясида гармон чалиб, хотиржам суҳбатлашаётирлар. Шахсан мен мана шу вариант тарафдориман. Нафақат пьесада, балки ҳаётда ҳам.

— Назаримда, пьесадаги кўпгина персонажлар саҳнада, айтиш мумкинки, жуда жўн ҳал қилинган... Масалан, Лигачёв ёки яна ўша Ельцинни олайлик. Лигачёв жуда изчил, собитқадам, шунинг учун ҳам ёқимсиз. Аммо Ельцин — фақат «халқнинг жон-дили».

— Розиман. Ҳаётда ҳамиша мураккаброқ кечади, албатта. Мана бир мисол. Эсингиздами, 7 ноябрь куни Октябрь социалистик инқилобининг навбатдаги байрам қилинишида Мавзолей минбарида Ельцин Горбачёв билан ёнма-ён турганди. У кулар, намойишчиларни табриклар эди. Бир сўз билан айтганда, ўзини худди Горбачёвнинг қалин дўсти ва сафдоши сифатида тутганди. Минбардан тушгандан кейинчи? У Горбачёвни жуда танқид қилди, жуда қаттиқ танқид қилди! Унинг ўзини бундай тутишини шахсан мен тушунмайман. Пьеса ҳақида гап кетганда шуни айтишим мумкинки, менинг назаримда, режиссёр унда сиёсий раҳбарларнинг турмушини акс эттирувчи айни характерли белгиларни кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу пьеса — гротеск.

— Дэвид, аммо сиз Президент Горбачёвни чуқур меҳр ва (бу муболаға ҳам, мақтов ҳам эмас) ортиқча ҳушёрлик билан ўйнадингиз. Томошабинларда иккиланувчан инсон сифатида таассурот қолдирасиз.

— Агар ҳалолига кўчадиган бўлсам, мен... ўз-ўзимни ўйнайман!

— Сизга бу ролингиз ва уни ўйнашингиз ёқадими?

— Тўғриси, ҳа (кулади). Ноқамтарлик қилияпти, деб ўйламанг тағин.

— Бу ўхшашликнинг боиси нима?

— Мен актёрман. Президентнинг тўғрисидаги кўпгина ҳужжатли фильмларни кўриб чиқдим. Бундан ташқари, боя айтганимдек, мен ҳозир амалда Горбачёв ташлаётган ҳар бир қадамни кузатиб бораман. У менга ўхшаганлиги учун ҳам ёқади... Бир неча йил муқаддам кимгадир ўхшайдигандек туюлаверардим. Энди билсам, Горбачёвга ўхшар эканман.

— Бир дақиқага фараз қилайлик: сиз Совет Иттифоқига келасиз ва... Президентликка ўз номзодингизни қўясиз.

— Худди Польшадагидек демоқчисиз-да? Бир неча паспортли номаълум миллионер...

Бу мумкин эмас... Ҳозирги вазиятда Шўролар мамлакати Президентлиги ўрнига Михаил Горбачёвдан бўлак кимсани тасаввур этолмайман. Унга жуда оғир. У бамисоли ўзи очган эшикка энди ўзи киролмай турибди. Мен буларни бу ерда — Англияда гапираяпман, бироқ Совет Иттифоқида шундай очиқ гапира оламанми, буни билмайман. Ким билади, мен ҳозир айтган гапларни чоп этолармикан?

— Сиз Совет Иттифоқида бўлганмисиз?

— Йўқ. Биринчи марта бораяпман. Биз «Москва олтини»ни олиб борамиз. Жуда тўлқинланаяпмиз, ахир бу пьеса фақат англиялик мухлисларни кўзлаб саҳналаштирилган-да...

Биз русларни хафа қилиб қўйишни истамасдик. Сиёсий майнавозчилик муболаға қилишни талаб этди. «Москва олтини»да унча муҳим бўлмаган персонаж — Зоя, Лена ва Катя исмли Кремль фаррошлари мавжуд. Улар вақт-вақти билан вафот этаётган бош котибларни замбилғалтакка солиб олиб кетишади. Сиёсий бюро аъзолари мажлис қиладиган думалоқ столдаги чангларни артишади. Портретлар ва гулчамбарлар осиб қўйишади... Биз «катта сиёсат» ушбу фаррошлар — оддий рус аёлларининг ҳар бири ҳаётига қандай таъсир этишини кўрсатамиз. Шуни таъкидлаб ўтишни истардимки, пьесадаги барча персонажлар, гарчанд муайян кишиларнинг исмини олган бўлса-да, улар ҳар қалай тўқима қаҳрамонлардир. Улар муаллифларнинг тасаввури натижаларидир.

— Англиялик актёрлар бадавлат кишилардир?

— Оврупо театрлари орасида, чамаси, энг паст маош бизда бўлса керак. Умуман, менинг билишимча, Буюк Британияда маданият учун жуда оз пул сарфланади.

— Кўпроқ нима билан машғул бўлишни яхши кўрасиз?

— Фалсафа ўқишни (кулимсирайди), кино кўришни, шунчаки ўқишни яхши кўраман. Хотиним ва дўстларимни яхши кўраман. Дўстларим билан учрашишни, бирга ишлашни, ҳар доим хотиржам ўтириб суҳбатлашишни яхши кўраман... Жазни жуда яхши кўраман.

— Шўро театрини биласизми?

— Йўқ. Фақат Таганкани биламан. Висоцкий ва Любимов тўғрисида кўп эшитганман.

— Совет кишиларига қандай истакларингиз бор?

— Ҳозир кўпчиликка боши берк кўчадан чиқадиган йўл йўқдек туюлаётир. Аммо у бор, мамлакатингизнинг ихтиёрида истиқболи бор. Ҳозир руслар зиммасига улуғ масъулият юкланган. Бу бор гап, ҳақиқатан ҳам шундай.

Лондон.

ТЎХТА, ПАРОВОЗ!

Ковбойлар давридаги Америка расм-русумлари энди Оврўпога келаяпти шекилли. Ҳар ҳолда Венеция — Милан орасида қатнайдиган 2682-номерли поезддаги почта вагонига қилинган ҳужумни назарда тутсак, шундай хулоса келиб чиқади. Соат 18.30 ларда состав Падуяга яқинлашиб қолганда иккита ниқоб кийган қуролли босқинчи машинистлар хонасига бостириб кириб, поездни тўхтатишга мажбур қилишди. Поездни темир йўл кўприк остида кутиб турган беш-олти нафар тўда аъзоси мегафон орқали йўловчиларга поездни тарк этишни буюрди. Уни портлатмоқчи эдилар.

Портлатгич ерни кўкни ларзага келтириб, почта вагонининг темир эшигини кўпориб юборди. Силкинишнинг зўридан параллел йўлда кетаётган поезд ҳам чайқалиб, издан чиқишига оз қолди. 22 яшар Кристина Павези темир парчасидан ўлди. Унга яқин киши оғир жароҳат олди. Шундан сўнг босқинчилар бир неча юз минг доллар солинган қопларни олиб, ғойиб бўлишди. Афсус, радиотелефон орқали чақирилган полиция кечикиб етиб келди. Ҳозир тергов олиб борилаётир. Аммо жиноятчиларни ушлашга умид йўқ. Полиция бу мафиянинг иши эмас, у бундай йўл тутмайди, деб ҳисоблашмоқда.

О. ШЕВЦОВ.
Ўз мухбиримиз.
Рим.

Цеденбални ким бўшатди?

УЛАН БАТОР КЎЧАЛАРИДА АНА ШУНДАЙ САРЛАВҲАЛИ РИСОЛА СОТИЛМОҚДА

Рисоланинг муқовасида 1984 йил 13 августда босилган «мутлақо махфий» деган муҳр берилган. Унда Цеденбалнинг шахсий соқчиси Москвадан Мўғулистоннинг жамоатчилик хавфсизлик вазири С. Лувсангомбога қуйидаги хабарни йўллаганди: «Дарғанинг аҳволи яхши. Муолажа ва қаров давом этмоқда. Диагноз атайин бўрттириб қўйилган деган шубҳа бор. Афтидан бу аллақандай операцияни ўтказиш учун мўлжалланган. Бизга қарши қандайдир чора-тадбирлар тайёрланяпти деб ҳисоблайман. Ушбу ишни тафтиш этишни сўрайман. Бу ерга «М» ва «Б»лар келиб кетишди. Улар маълум шахслар билан учрашишган деган тасаввур пайдо бўлди».

1984 йили Цеденбал одатдагидек ССЖИга дам олишга жўнади. Дарвоқе, Цеденбал ҳар сафар 15 июлда кетиб ватанига октябрь байрамлари арафасида қайтарди. Баъзан янги йилгача ушланиб қолган пайтлари ҳам бўлган.

МХИФ МҚ Сиёсий бюросининг собиқ аъзоси ва МҚнинг собиқ котиби Д. Моломжамц шундай хотирлайди: «Менинг ҳузуримга КПСС МҚ Халқаро бўлими мудири ўринбосари Смирновский келди. У ССЖИ Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тўртинчи бош бошқармаси шифокорлари имзо чеккан тиббий хулосани кўрсатди.

1984 йилнинг 30 июлида Батмунх билан мен Иттифоққа жўнадик. Бизни ССЖИнинг собиқ элчиси Павлов кузатиб борди. У ҳам негадир ўша тайёрада учганди.

Москвада бизни КПСС МҚга олиб боришди. Ўшанда Черненко касал эди ва бизни Михаил Сергеевич Горбачев кутиб олди. У биз билан «Бош котиб топшириғига кўра учрашаётганини» айтди. Айтгандай, учрашувда ўша пайтда ССЖИ ДХҚнинг раиси бўлган Чебриков, шунингдек, Русаков, Устинов, соғлиқни сақлаш вазирлиги Тўртинчи бошқармасининг бошлиғи Чазов ва бошқалар ҳам бор эди.

Чазов бизни тиббий хулоса билан батафсил таништирди. Унда Цеденбалнинг соғлиғи жиддий ёмонлашгани тўғрисида гап борарди.

Биз бу ҳақда МҚ Сиёсий бюросига ҳамда МХИФ МҚ пленумига хабар беришимизни ва шундан сўнг бирор қарорга келишимизни айтдик. Шунингдек, биз Марказий Қўмитани тиббий хулоса билан Чазовнинг ўзи таништиришини таклиф қилдик. Михаил Сергеевич ва Чазов рози бўлишди.

Учрашув сўнггида М. Горбачев бизни кузатаркан деди: «Сизлар яхшилаб ўйлаб кўришингиз ва оқилона ҳал этишингиз керак. Цеденбал юра олмайди».

«Цеденбални ким лавозимидан бўшатди?» китобининг муаллифи, фалсафа ва социология илмгоҳининг катта илмий ходими Д. Чулуун мўғул етакчисини ағдариш учун операцияни бошлаш тўғрисида анча олдин, Цеденбал ва унинг хотини А. И. Филатова мамлакатдаги бутун ҳокимиятни эгаллаб олганларидан сўнг қарор қабул қилинганди, деб ҳисоблайди. Сиёсий бюронинг собиқ аъзолари ва ўша пайтдаги бошқа қатор раҳбарлар Ю. Цеденбалдан қутулиш ва бунинг учун Шўролар Иттифоқидаги обрўли [illegible]лар билан алоқа ўрнатиб, уларга Цеденбалнинг бундан буён олий лавозимларда ишлаши мумкин эмаслигини [illegible] қилиш йўлларини ахтара бошлашди. Мўғул раҳбарлари ўйлаганларини биргаликда ўтказилган овларда, ўзиқорин териш пайтида амалга ошира бошлашди.

Яна Д. Моломжамцнинг хотираларига қайтамиз. Улан-Баторда МХИФ МҚ Сиёсий бюроси икки кун мажлис қургандан сўнг МҚ пленумини чақириш ва Батмунхни Бош котиб этиб тайинлашга келишиб олишди. Батмунх менга Москвага боришни ва бу ҳақда Цеденбалга хабар беришни топширди. Мен Рагчи ва Намсрайлар ўша пайтдаги Сиёсий бюро аъзолари — (Г. С.) ҳам бирга боришсин дедим. Батмунх рози бўлди. 20 августда Чазов билан бирга Москвага учдик, сўнг Цеденбал яшаётган уйга бордик».

Сиёсий бюронинг собиқ аъзоси, МХИФ МҚнинг собиқ котиби Т. Рагчи бу учрашувни яхши эслаб қолган: «Цеденбалга мўғул Сиёсий бюросининг қарорини айтганимизда унинг юзи тўсатдан ўзгариб кетди, кўзойнагини столга ирғитиб, дик этиб ўрнидан турди-да Моломжамцнинг кўксига ёпишди...

Шу пайтда мен «авгай» (Цеденбалнинг хотини А. И. Филатова) келиб қолмаса эди, деб чўчирдим. Яхшиямки уни атайин қаергадир жўнатиб юборишган экан. Нимасини ҳам яширардик биз ҳаммамиз ҳам ундан жуда қўрқардик».

(Цеденбалникида ҳар сафар навбатдаги ичкиликбозлик бўлганида «авгай» унинг кийимлари ва туфлисини қулфлаб қўяди ва: «Сизлар Цеденбалнинг ўрнига ўтириб фирқа ва ҳукуматни ўзингиз бошқармоқчисизлар, шунинг учун унга кўп ичирасизлар. Мен сизларнинг қора ниятларингизни биламан! Цеденбални шу йўл билан йўқотмоқчи бўлсанглар овора бўласизлар. Мен ўзим истаганингизни йўқотишим мумкин!» деб бақирарди).

КПСС МҚда, деб эслайди МХИФ МҚ Сиёсий бюросининг собиқ аъзоси, муфассал ахборот учун миннатдорчилик билдиришди: «Бирорта ҳам фирқа бошқа бир фирқанинг ички ишларига аралашиш ҳуқуқига эга эмас. Қандай ўзгартишлар қилиш ва кимни сайлаш ўзингизнинг ички ишингиз. Батмунх кейинги ўн йил давомида Вазирлар Кенгаши Раиси лавозимида жуда яхши ишлади ва у назаримизда раҳбарлик ишида катта тажриба тўплаган коммунист. Ишингизга муваффақият тилаймиз». Навбатдан ташқари пленум Москвадан қайтганимиздан сўнг орадан икки кун ўтгач бошланди.

Цеденбалнинг ўзи пленумда жуда ҳам қатнашмоқчи бўлганди. Агарда шундай бўлганида воқеалар мутлақо бошқача тус олиши мумкин эди.

Филатова Москвадан Батмунхга қўнғироқ қилиб пленумда нима қилмоқчи эканликларини сўради. У ҳатто айрим комфирқаларда фирқанинг фахрий раиси деган лавозим бор деб маслаҳат ҳам берган...

Ю. Цеденбал шу тариқа ҳокимиятдан четлаштирилган.

Г. САПРОНОВ,
(Ўз мухбиримиз)
Улан-Батор.

БИЗ СИЗДАН МИННАТДОРМИЗ!

«ЁШ ЛЕНИНЧИ» ҲАМДА «КОМСОМОЛЬСКАЯ ПРАВДА» РЎЗНОМАЛАРИ ИЖОДКОРЛАРИНИНГ МАТБААЧИЛАРГА ЯНГИ ЙИЛ АРАФАСИДАГИ НИЯТЛАРИ ШУНДАЙ

Янги йилдан бошлаб рўзномаларнинг чиқишида бирмунча ўзгаришлар юз беради. Яъни якшанба кунлари сиз муштарийлар рўзнома ёки ойнома ололмайсиз. Бу нашриётчиларга, матбаачиларга сира боғлиқ эмас. Аксинча, жумҳурият қолаверса, Иттифоқ Алоқа вазирликлари тайёрлаган «Янги йил совға»си. Шунга қарамасдан нафақат Ўзбекистонда қолаверса, Ўрта Осиёдаги энг йирик матбаа даргоҳи — Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриёти ҳамда унинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси жамоаси келгуси йилда ҳам рўзнома ва бошқа матбуот нашрларини янада сифатлироқ ва ўз вақтида обуначиларга етказиш ниятидадирлар. Кеча «Ёш ленинчи» ҳамда «Комсомольская правда» рўзномаларини чоп этиш билан боғлиқ нашриёт раҳбарлари ва матбаачилари таҳририятимиз меҳмони бўлишди. Янги йил арафасидаги бу учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий [Қў]митаси нашриётининг директори, тарих [фанлари] номзоди, жумҳуриятда хизмат [кўр]сатган маданият ходими Ислом Шо[моҳ]одович ШОҒУЛОМОВ шундай деди:

— Рўзномаларингиз муштар[ий]лари ўз нашрларининг ўз вақтида чиқи[ши]дан хотиржам бўлишсин. Биз Янги [йил]да ҳам бутун куч ва маҳоратимизни [ўқув]чиларбоп, безакли ва бежирим қил[иб] етказиб беришга ҳаракат қиламиз. Бу[нинг] учун бизда имкониятлар етарли. Ке[лган]да Янги йилда нашриётимиз [боси]махонасида чиқадиган нашрлар обун[ачи]ларини 1991 йил билан муборакбод э[там]ан. Истагимиз янги йилда дастурх[онин]гиз тўкин, юртимиз тинч ва фаровон [б]ўлсин.

Ўз навбатида «Ёш ленинчи» [в]а «Комсомольская правда» рўзномал[ари] ижодий жамоаси жумҳуриятимиздаги [ба]рча матбаачиларни қутлуғ айём била[н қ]утлайди.



Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг!

Яна НУЖми?

Мавжуд хабарларга қараганда, Рональд Рейган 1985 йили Женевада бўлган чоғида Ерга ўзга сайёраликлар томонидан ҳавф эҳтимоли тўғрисида гапириб, юракларга ғулғула солган эди. Шу муносабат билан АҚШ ва ССЖИ бундай ҳужумни қайтариш учун бирлашишлари мумкин, деган фикр ҳам айтилган эди. 1987 йили Москвада бўлиб ўтган «Ядросиз дунё ва инсониятнинг омон қолиши учун» анжуманида М. С. Горбачев «Гарчанд хавотирланишга, эҳтимолки, ҳали эрта бўлса ҳам ушбу фаразни талашиб-тортишиб ўтирмоқчимасман» деб таъкидлади.

...Маълумотларга қараганда, 1947 йили Нью-Мексикада одатдан ташқари жисм парчалари ва насаби самовий бўлган чирий бошлаган танани топилган онлардан буён АҚШ ўзга сайёраликлар жисмларининг ерда пайдо бўлиши ҳамда улар ерликлар билан ўрнатган алоқалар тўғрисидаги хабарларни тўплаш билангина шуғулланмай, балки техник тавсифи бўйича ўзга сайёраликларнинг космик жисмига яқин бўлган учувчи аппарат яратиш устида фаол иш олиб бормоқда. АҚШ ҳозирдаёқ умумий салмоғи бир тонналик (самарадорлик нагрузкаси 40 фоизгача) бўлган, тезлигини секундига 10 километрга қадар ошира оладиган ва ҳозирги замон қуроллар системаси илғамайдиган лаппаксимон шаклдаги учувчи аппаратга эга, дейишга ҳамма асослар бор...

...Тадқиқот материалларига қараганда, НУЖ энг аввало, ҳарбий аҳамиятга молик объектлар устида, ядровий синовлар, ракеталарни учириш, ҳарбий машқлар чоғида пайдо бўлади ва бўлаётган воқеаларни кузатади. НУЖни отишга ёки унга яқинлашишга бўлган уринишлар шу вақтгача муваффақият қозонмади ва одатда бу ҳатти-ҳаракатлар ракеталарнинг портлаши ва электрон жиҳозлар, тайёраларнинг навигацион системаларини сафдан чиқаришга олиб келувчи жавоб зарбасига сабаб бўлмоқда. Бинобарин, НУЖ кунлардан бир куни душман томоннинг қуролидан фойдаланиш ва бунинг оқибатини олдиндан айтиш қийин бўлган ҳолатга сабаб бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас...

Жанг олдидан рок

Рождество байрами арафасида Париж ва Эр-Риёд ўртасида кутилмаган зиддият юзага келди. Фарангистонлик Эди Митчелнинг икки концерти қўққисдан Саудия Арабистони ҳокимияти томонидан бекор қилинди; бундай шайтоний, ислом нормаларига тўғри келмайдиган мусиқа муқаддас ерда жаранглаши мумкин эмас.

Рок қўшиқчи ватанига қайтди. Рождествони аскарлар билан кутиш учун Саудия Арабистонига ташриф буюрган Франция мудофаа вазири бундай қарордан жаҳли чиқиб, саудиялик ҳамкасби билан режалаштирган учрашувни қолдирди.

Эди Митчелнинг концерти бекор қилинишига Боғдоддан келаётган тарғибот сабаб бўлди. Сўнгги вақтда Саддам Ҳусайннинг тарғибот аппарати Маккаю-Мадинадек муқаддас мусулмон шаҳарларини келгинди аскарлар беҳурмат қилишига йўл қўйиб бераётган Саудия ҳокимиятини қаттиқ танқид остига олди. Ҳақиқатда эса ҳарбий контингент бу шаҳарлардан жуда узоқда жойлашган.

Шундай қилиб, фарангистонлик аскарлар америкалик ва испанларга қараганда омадсизроқ бўлиб чиқдилар. Чунки улар ўзларининг севимли қўшиқчиларини хуморидан чиққунча тинглаб, томоша қилдилар — Англия тахти вориси шаҳзода Чарльз Рождество арафасида атайин улар учун 500 та видеокассета олиб келганди.

Париж ойнаи жаҳонининг хабарига кўра, фаранг аскарлари жуда жиғибийрон эмишлар. Вазият кўриб турганингиздек жуда нозик. Форс кўрфазидаги 15 январдан кейин уруш бўлишига ҳеч ким шубҳа қилмаётир.

А. ШУМИЛИН,
Ўз мухбиримиз.
Жазоир.

Рўзноманинг бу сони «Ёш ленинчи» ва «Комсомольская правда» материаллари асосида тайёрланган.

ТАЙЁРЛАГАНЛАР:
«Ёш ленинчи» ходимлари: Ф. РАҲИМОВ, З. РИХСИЕВ, С. РУСТАМОВ, Р. ШАРОПОВ, Ф. ТУРНИЁЗОВ, Н. ЖАЛИЛОВлар.
Бу сонга котиб А. СУЛТОНОВ, шикоят хат ва оммавий ишлар бўлими мудири С. СИРОЖИДДИНОВ, мухбир М. АБДУЛЛАЕВ, мусаҳҳиҳлар Ҳ. СУЛТОНОВА, У. ЖАМОЛОВА, А. ОРТИҚОВА, С. САЛАЕВАлар навбатчилик қилишди.

Азиз муштарийлар! Хонадонингизга тинчлик ва бахт, дастурхонингизга тўкинлик тилаймиз!



ҚЎЙ ЙИЛИ

(1991 ЙИЛ 22 МАРТИДАН БОШЛАНАДИ)

Мазкур йилда таваллуд топганлар нафис санъатлар соҳасида қобилиятлидирлар. Улар қадди-қоматлари келишган, истараси иссиқ ва табиат шайдолари бўлган кишилардир. Хулқ-атвори ёқимли, гап-сўзи, ўзини тутиши оқилона, шундай бўлса-да, табиатан инжиқ, ҳардамхаёл, ҳамиша нимадандир зорланиб, ўз тақдирларидан нолишади. Одатда художўй бўлиб, турли хаёлий ва ўта табиий нарсаларга қизиқишади. Гарчи ўзлари тан олишмаса ҳам, тажовузкордирлар. Бировнинг ҳисобига яшашни яхши кўришади. Тартибсизликлари, ҳамма нарсада, доимо кечикиб юришлари уларга нисбатан кишиларнинг тоқатини тоқ қилади. Бироқ ўзларига манфаати тегадиган бўлса, бошқаларга ёқишнинг ҳам уддасидан чиқишади. Умуман, булар раҳмдил ва муҳтожларга борини беришга тайёр турган жуда яхши одамлардир. Бахтга қарши, баҳам кўрмоқчи бўлган нарсалари кўпинча ўзларига тегишли бўлмайди. Шуни айтиш керакки, уларда хусусий мол-мулкка нисбатан ҳеч қандай орзу-ҳавас йўқ. Ҳаёт кечиришлари, одатда, ўзларига эмас, бошқаларга, кўпинча омадларига боғлиқ бўлади. Ниманики яхши ё ёмон воқеа юз берса, уларнинг айби билан содир бўлмайди. Бироқ ноинсофликлари атрофдагиларни саросимага солади. Жавобгарлик ҳисси уларга бегона, ташаббус кўрсатишни ёмон кўришади. Итоатгўй бўлиб яратилганликлари учун раҳбарлик ишларини уддалай олишмайди. Лекин мақбул таъсир остида бирор санъат соҳасида муваффақият қозонишга, ҳаттоки, ном чиқаришга қодир. Уларда дид ва истеъдод бор. Бир пайтнинг ўзида техник ва артистлик маҳорати қўшиб олиб бориладиган ишларни қойил-мақом қилиб бажаришлари мумкин. Лекин ҳеч қачон асосий вазифани бажаришмайди. Тижорат ишларидан ўзларини олиб қочишлари керак, чунки лаёқатсиз сотувчи, савдогар бўлишади. Гаплари кўпинча пойма-пой бўлиб, фикрларини қийналиб тушунтиришади, гоҳ тез, гоҳ секин, баъзан дудуқланиб гапиришади. Тақдирлари ёмон томонга юз тутса, ҳаётлари оёқ ости бўлиши мумкин. Ҳаётлари давомида кўплаб ишқ-муҳаббат муаммоларига дуч келишади ва улардан бири фожиа билан тугаши мумкин. Етуклик даври ёшлик ва кексаликларига қараганда яхши кечади, аммо ҳис-туйғуларига қаттиқ таъсир кўрсатади. Шуни эсда тутиш керакки, моддий жиҳатдан ғам-ташвиш чекилмайдиган ва маслаҳатгўйлари бор бўлган қўлинг ўргулсин ўтлоқда ҚЎЙНИНГ омади юришади.

Ҳижрий сана солномаси 1411 ҳ.

МУҲАРРАМ

Д.	1	8	15	22	29
С.	2	9	16	23	30
Ч.	3	10	17	24	
П.	4	11	18	25	
Ж.	5	12	19	26	
Ш.	6	13	20	27	
Я.	7	14	21	28	

САФАР

Д.		6	13	20	27
С.		7	14	21	28
Ч.	1	8	15	22	29
П.	2	9	16	23	
Ж.	3	10	17	24	
Ш.	4	11	18	25	
Я.	5	12	19	26	

РАБИУЛ АВВАЛ

Д.		5	12	19	26
С.		6	13	20	27
Ч.		7	14	21	28
П.	1	8	15	22	29
Ж.	2	9	16	23	30
Ш.	3	10	17	24	
Я.	4	11	18	25	

РАБИУС СОНИЙ

Д.		3	10	17	24
С.		4	11	18	25
Ч.		5	12	19	26
П.		6	13	20	27
Ж.		7	14	21	28
Ш.	1	8	15	22	29
Я.	2	9	16	23	

ЖУМОДИЛ АВВАЛ

Д.	2	9	16	23	30
С.	3	10	17	24	
Ч.	4	11	18	25	
П.	5	12	19	26	
Ж.	6	13	20	27	
Ш.	7	14	21	28	
Я.	1	8	15	22	29

ЖУМОДИС СОНИЙ

Д.		7	14	21	28
С.	1	8	15	22	29
Ч.	2	9	16	23	
П.	3	10	17	24	
Ж.	4	11	18	25	
Ш.	5	12	19	26	
Я.	6	13	20	27	

РАЖАБ

Д.		6	13	20	27
С.		7	14	21	28
Ч.	1	8	15	22	29
П.	2	9	16	23	30
Ж.	3	10	17	24	
Ш.	4	11	18	25	
Я.	5	12	19	26	

ШАЪБОН

Д.		4	11	18	25
С.		5	12	19	26
Ч.		6	13	20	27
П.		7	14	21	28
Ж.	1	8	15	22	29
Ш.	2	9	16	23	
Я.	3	10	17	24	

РАМАЗОН

Д.		3	10	17	24
С.		4	11	18	25
Ч.		5	12	19	26
П.		6	13	20	27
Ж.		7	14	21	28
Ш.	1	8	15	22	29
Я.	2	9	16	23	30

ШАВВОЛ

Д.	1	8	15	22	29
С.	2	9	16	23	
Ч.	3	10	17	24	
П.	4	11	18	25	
Ж.	5	12	19	26	
Ш.	6	13	20	27	
Я.	7	14	21	28	

ЗУЛҚАЪДА

Д.		7	14	21	28
С.	1	8	15	22	29
Ч.	2	9	16	23	30
П.	3	10	17	24	
Ж.	4	11	18	25	
Ш.	5	12	19	26	
Я.	6	13	20	27	

ЗУЛҲИЖЖА

Д.		5	12	19	26
С.		6	13	20	27
Ч.		7	14	21	28
П.	1	8	15	22	29
Ж.	2	9	16	23	
Ш.	3	10	17	24	
Я.	4	11	18	25	

ИСТАГИМИЗ: МЕҲР-ОҚИБАТ ОРЗУГА АЙЛАНМАСИН

Абдулла ОРИПОВ

ДЎСТГИНАМ

Қани най бер менга, дўстгин,
Бергил майли рубоб бўлса ҳ.
Бер бир нафас бўшатиб ола
Тўлиб кетган юрагимни ман.

Қаламимнинг кучи етмади
Ҳисларимни буткул тўкмоққа
Дўстим, тингла япроқчаларни
Шивирлаши эшитилмоқда...

Гўзал, сокин оқшом чўкмоқда,
Тебранади елда чироқлар.
Дарахтзор ҳам сокин солланар...
Қандай масъум, эрка бу чоқлар.

Қандай ширин дамлар... менинг ҳам
Юрагимда бир ҳис тошмоқда,
Юрагим ҳам дарахтзор каби.
Ниманидир олқишламоқда.

Кўзларимга бу ёруғ олам,
Кўринмоқда бирам суюмли.
Қани най бер менга, дўстгинам
Тўкай тўлиб кетган кўнглимни.

Мучалингзни биласизми

Маймун	1920	1932	1944	56	1968	1980	1992
Хўроз (товуқ)	1921	1933	1945	57	1969	1981	1993
Ит	1922	1934	1946	58	1970	1982	1994
Тўнғиз	1923	1935	1947	9	1971	1983	1995
Сичқон	1924	1936	1948	0	1972	1984	1996
Ҳўкиз (сигир)	1925	1937	1949	1	1973	1985	1997
Йўлбарс	1926	1938	1950	196	1974	1986	1998
Қуён	1927	1939	1951	19	1975	1987	1999
Аждарҳо (балиқ)	1928	1940	1952	19	1976	1988	2000
Илон	1929	1941	1953	19	1977	1989	2001
От	1930	1942	1954	19	1978	1990	2002
Қўй	1931	1943	1955	19	1979	1991	2003

Мелодий-1991

ЯНВАРЬ

Д.		7	14	21	28
С.	1	8	15	22	29
Ч.	2	9	16	23	30
П.	3	10	17	24	31
Ж.	4	11	18	25	
Ш.	5	12	19	26	
Я.	6	13	20	27	

ФЕВРАЛЬ

Д.		4	11	18	25
С.		5	12	19	26
Ч.		6	13	20	27
П.		7	14	21	28
Ж.	1	8	15	22	
Ш.	2	9	16	23	
Я.	3	10	17	24	

МАРТ

Д.		4	11	18	25
С.		5	12	19	26
Ч.		6	13	20	27
П.		7	14	21	28
Ж.	1	8	15	22	29
Ш.	2	9	16	23	30
Я.	3	10	17	24	31

АПРЕЛЬ

Д.	1	8	15	22	29
С.	2	9	16	23	30
Ч.	3	10	17	24	
П.	4	11	18	25	
Ж.	5	12	19	26	
Ш.	6	13	20	27	
Я.	7	14	21	28	

МАЙ

Д.		6	13	20	27
С.		7	14	21	28
Ч.	1	8	15	22	29
П.	2	9	16	23	30
Ж.	3	10	17	24	31
Ш.	4	11	18	25	
Я.	5	12	19	26	

ИЮНЬ

Д.		3	10	17	24
С.		4	11	18	25
Ч.		5	12	19	26
П.		6	13	20	27
Ж.		7	14	21	28
Ш.	1	8	15	22	29
Я.	2	9	16	23	30

ИЮЛЬ

Д.	1	8	15	22	29
С.	2	9	16	23	30
Ч.	3	10	17	24	31
П.	4	11	18	25	
Ж.	5	12	19	26	
Ш.	6	13	20	27	
Я.	7	14	21	28	

АВГУСТ

Д.		5	12	19	26
С.		6	13	20	27
Ч.		7	14	21	28
П.	1	8	15	22	29
Ж.	2	9	16	23	30
Ш.	3	10	17	24	31
Я.	4	11	18	25	

СЕНТЯБРЬ

Д.	2	9	16	23	30
С.	3	10	17	24	
Ч.	4	11	18	25	
П.	5	12	19	26	
Ж.	6	13	20	27	
Ш.	7	14	21	28	
Я.	1	8	15	22	29

ОКТЯБРЬ

Д.		7	14	21	28
С.	1	8	15	22	29
Ч.	2	9	16	23	30
П.	3	10	17	24	31
Ж.	4	11	18	25	
Ш.	5	12	19	26	
Я.	6	13	20	27	

НОЯБРЬ

Д.		4	11	18	25
С.		5	12	19	26
Ч.		6	13	20	27
П.		7	14	21	28
Ж.	1	8	15	22	29
Ш.	2	9	16	23	30
Я.	3	10	17	24	

ДЕКАБРЬ

Д.	2	9	16	23	30
С.	3	10	17	24	31
Ч.	4	11	18	25	
П.	5	12	19	26	
Ж.	6	13	20	27	
Ш.	7	14	21	28	
Я.	1	8	15	22	29

ТЎЙ ЙИЛИ БЎЛСИН



Бир эркатой бор. Эшикни тақиллатмайди. Қўнғироқ тугмасини босмайдиям. Остона ҳатлаб, хонадонларга бемалол кираверади. Ҳовлиларни айланади. У ердаги мавжуд буюм, дов-дарахтларга бир ёш умр қўшади.

Сиз унинг таъсирини сезмайсиз ҳам. Аммо танингизга жо бўлади. Улғая бошлайсиз. Бу ҳол такрорланади, такрорланаверади...

Хўш, нима у? Янги тонг? Янги йил!

Мана, чирана-чирана От мучалинийм кузатаяпмиз. Биров мақсадига етди, бошқаси доғда. Майли, ўтган ишга саловат.

Ундаям баҳоли қудрат нималаргадир эришдик. Айрим ўринларда йўқотишлар бўлгандир. Аммо бир томони аён. Йиғилган дардларимиз, ҳасрат, андуҳларимизни рўй-рост, баъзан ўраб-чирмаб тўкдик. Инсонга юрагини бўшатишдан афзали йўқ. Елкангни зил-замбилдек босиб ётган юкдан халос бўлсан-да.

Қайдам. Келадиган қўй йили, элимизнинг тўй йили бўлар. Очиғи у кам, бу камлардан чарчадик. Шўх куй-қўшиқ, ўйин-кулгуга ташнамиз, ташна.

Қўй жуда ҳокисор жонивор. Айтилишича, бу мучалда туғилган эркеклар ёшидан кўра ёшроқ, аёли эса ишбилармон, бир сўзли бўларкан. Яна бир гап. Улар муҳаббатда қатъиятлилиги билан ажралиб туришади. Илоё бу йил хонадонлардан ана шу феълли гўдакларнинг йиғиси кўпроқ эшитилсин. Ҳунармандлар эса шаҳару қишлоқларга бешик етказолмай тиним билмасинлар.

Айрим жойларда шундай урф бор. Норасида гўдакни қўйга миндириб оладилар. Унинг таъбири эса қуйидагича. Ўша боланинг тиши совлиқнинг тишларидек кичкина, жимжимадор, мустаҳкам бўлармиш. Халқимиз айтганидек, тиши бутуннинг ризқиям бутун бўлади-да.

Қўй-қўзилар қуршовида термулаётган бола суратига қараб ўйга толаман. Унинг резина этик кийган оёқчаларини чиройли пойабзалда тасаввур этгим келади. Яна неларнидир уқишга уринаман. Гўё қўйлар ҳам унга ачиниш билан қараётгандек. Қўзичоқлар эса бепарво. Болакай мисол. Аммо ишонгим бор. Янги мучалда бундай манзараларни кам кўрамиз.

Қўй йили эса ўзбекнинг тўй йили бўлади.

Қурбон АЛИ.

ҲАДСДАН

Мўминиишининг назаридан ишдан қўрқинглар, нки у оллоҳнинг ри билан қарайди.

* *

Агар са яхшилик керак бў, уни очиқ чеҳра одпардан сўранг.

* *

Хотин шига энг ҳаққи кўпиши эридур, эркакишига энг ҳаққи кўпиши онасидур.

* *

Ораларизда салом беришни нг тарқатинглар, бирингизга муҳаббангиз зиёда бўлади.

* *

Мўминларнг афзали хулқи яисидур.

Янги йилда кўришгунча хайр!

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58.
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 28645.